

## АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ

### Акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк” акциядорлари диққатига!

АТБ “Универсал банк” акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2024 йил 26 июнь куни соат 11:00 да Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохрухобод кўчасида жойлашган банк биносида ўтказилишини маълум қилади.

#### Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Банк Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банк Бошқарувининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банкнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Банк ташқи аудиторининг 2023 йил якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
6. Банкнинг миноритар акциядорлари қўмитаси ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Банкнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойдасини тасдиқлаш ва тақсимлаш.
8. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
9. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларини қоплаш.
10. Банкнинг миноритар акциядорлари қўмитаси аъзоларини сайлаш.
11. Банк томонидан ҳомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш шартларини белгилаш ҳамда ушбу масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқини банк Кузатув кенгашига бериш.
12. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш.
13. Талаб қилиб олинмаган дивидендларни банк ихтиёрида қолдириш.
14. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
15. Банкнинг корпоратив бошқарув кодексини тасдиқлаш.
16. Банк уставига ўзгартиришлар киритиш.
17. “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.
18. “Банк бошқаруви тўғрисида”ги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

**Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорлари реестрини шакллантириш санаси: 2024 йил 03 июнь.**

**Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган банк акциядорлари реестрини шакллантириш санаси: 2024 йил 20 июнь.**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига доир материаллар билан қуйидаги манзилда танишиб чиқиш мумкин: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохрухобод кўчаси.

Йиғилишда қатнашувчи акциядорларни рўйхатга олишнинг бошлан иш вақти: 2024 йил 26 июнь, соат 10:00.

Акциядорлардан йиғилишга шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан, акциядорлар вакиллари билан эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорлардан уларга дивидендлар тўланиши учун тегишли банк ҳисобварақ маълумотларини тақдим этишлари сўралади.

Маълумот учун телефон: : (+99871) 200-11-10 ички рақам 1071

Хурмат билан,  
Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви.